

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА РА҆КАМЛИ ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Худоёрова О.К

Тошкент тиббиёт академияси доценти

, педагогика фанлари номзоди.

“Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги” факультети

Рахмонжонова Гулжакон Анваржон қизи

101 гуруҳ талабаси

Абдуллаева Мунаввара Ботир қизи

202 гуруҳ талабаси

Abstract: This article discusses the ways and directions of using digital opportunities of medical education. There are also scientific and practical recommendations for the digitalization of medical education.

Аннотация: В данной статье рассматриваются пути и направления использования цифровых возможностей медицинского образования. Также имеются научно-практические рекомендации по цифровизации медицинского образования.

Аннотация: Мазкур мақолада тиббий таълимнинг рақамли имкониятларидан фойдаланиш йўллари ва йўналишлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, тиббий таълимни рақамлаштиришга доир илмий -амалий тавсиялар берилган.

Keywords. Digitalization, innovation, opportunities, digital knowledge, high medical culture, educational technology, digital environment

Ключевые слова. Цифровизация, инновации, возможности, цифровые знания, высокая медицинская культура, образовательные технологии, цифровая среда.

Калит сўзлар. Рақамлаштириш, инновация, имконият, рақамли билим, юксак тиббий маданият, таълим технологияси, рақамли муҳит.

Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришганимиз. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида Ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этган ҳолда замонавий тиббиётнинг янги имкониятларидан самарали фойдаланиб ўзларининг муносаб ҳиссаларини қўшадилар. Хусусан, келажакнинг рақамли саноатини яратиш, инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали рақамли тиббиётни ишга тушириш, тиббий таълимда рақамли имкониятлардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бугунги кун тиббиёт аудиториялари компьютерлар, планшетлар, смарт – доскалар ва бошқа турдаги таълим технологиялари билан жиҳозланган. Дунёнинг бошқа жойларидаги каби Ўзбекистонда ҳам рақамли авлоднинг етти экранли авлоди: телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон, смартсоатлар пайдо бўлди. Бугунги кунда рақамли муҳитга эга бўлиш, талабаларнинг мустақил эркин ижодий фикр юритишига кенг йўл очади. Замонавий талабаларнинг пухта билим олиши ва меҳнат бозорида муваффақиятга эришиш кўникмаларини ривожлантиришга ундаиди. Шунга

**International Conference on Developments in Education
Hosted from Amsterdam, Netherlands**

<https://econferencezone.org>

April 30th 2022

кўра, ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим , дидактик моделлардан оммавий ва самарали фойдаланиш орқали тиббий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Айниқса, тиббий таълим жараёнида тадқиқот изланиши ёндашувдан фаол фойдаланиш асосида талабаларнинг билим, кўнімаларини ривожлантириш, ижодий қобилиятини шакллантириш мумкин. Бунинг учун рақамли асрда ноанъанавий услугуда ўқитишини кучайтириш талаб этилади. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА 34-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қоидаларига кўра, "биргаликда инновацион фаолиятни амалга ошириш, халқаро инновацион дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, уларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ташкилий шартшароитлар яратиш; инновацион фаолият соҳасида биргаликда кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш; инновацион фаолият соҳасида халқаро конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, инновацион ярмаркалар (кўргазмалар) ва тадбирлар ўтказиш" таъкидланган. 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2020 йил 24 июль, ЎРҚ-630-сон

Бугунги кунда тиббий таълим тезкор суръатларда рақамли ўзгаришларни талаб этади. Замонавий талабаларни билим олишга ва меҳнат бозорида муваффақиятга эришиш кўнімаларини ривожлантиришга ундаш усули энг долзарбdir. Ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Ахборот ва коммуникация технологиялари –рақамли авлод учун маъruzalар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласиди, бунда. ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўкув жараёнида асосий таъсирни сақлаб қолади.

Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги ўкув материалини тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитиша ҳамда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади.Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқилиши шарт. "ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ"га қаратилган. 2. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган. Концепциянинг мақсади – ўқитиши жараёнида инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш, шу билан бирга охирги янги курилмалардан фойдаланган ҳолдатоълим олиш имкониятини таъминлашдир. Бу борада энг муҳим вазифалардан бири ўқитувчининг ихтирочилиги ва ишбилармонлигини оширган ҳолда инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланишга эришиш, видео маъruzalар ва инновацион таълим технологиялари марказларининг миллий тармогини яратиш, ўзаро рақамли алоқаларнинг стратегик режасини яратиш ва амалиётга жорий этиш , Ўкув жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш , ижодкор ва иқтидорли талабаларни рақамлаштириш лойиҳаларига жалб этиш, юқори самарадорликка эга бўлган рақамли курилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўкув хоналари, лабораториялар, медиа студияларнинг жамланмаси асосида "Рақамли компетенциялар марказлари"ни ташкил этиш орқали ортирилган тажрибани амалий қўллашга эришиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим

технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириш, маъруза ва семинар дарслари учун интернет билан боғлиқ ҳолда интерфаол ва мультимедиали тақдимотларни ишлаб чиқиш; рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини қўллаш; • ўқитувчилар ва талабалар учун лойиҳалар, диплом ишлари, илмий изланишларни муҳокама этиш учун илмий веб-сайт ишлаб чиқиш, ўқув хоналарини интерфаол тақдимот тизимлари, ноутбуклар билан жиҳозлаш, ўқув хоналарини интерфаол столлар билан жиҳозлашда ўқув муҳитини яхшироқ ва қулай бўлишини хисобга олиш, маърузалар давомида субъек ва субъект мулоқотини таъминловчи тизимлардан самарали фойдаланиш, электрон интерфаол мультимедиали ўқув материалларини яратиш, кутубхоналарни замонавий технология асосида таъминлаш, масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш ва фондларини рақамлаштириш, рақамли таълим ресурсларининг миллый фондини яъни: электрон интерфаол мультимедиали ўқув материалларини яратиш, талабалар ва ўқитувчилар учун оммавий очик онлайн тренинг курсларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, рақамли авлод учун асосий имкониятларни таъминлайдиган электрон дарслклар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

«Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш, шунингдек, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш ахволи ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш юзасидан бевосита масъул эканликлари белгилаб қўйилсан» дейилади. 3.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГФАРМОНИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДАЎзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш.,2021 йил 5 май,ПФ-6221-сон.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси жаҳон тиббиёти тараққиётига ҳамоҳанг тарзда жадал ривожланиб бормоқда. Тинчлик ва соғлик – инсон ҳаёти учун энг керакли неъматлар.Хусусан, тиббиёт йуналишида бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш, тиббиётнинг барча йуналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Шунингдек, электрон хукумат имкониятларини янада кенгайтириш, ҳамда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида "истиқболли инновацион ишланмалар ва стартап-ложиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш" га жиддий эътибор берилди. 4.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ " РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН - 2030" СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон.

Пандемия шартлари барча соҳаларнинг рақамли имкониятларини ривожлантириш масаласини ҳар қачонгидан қатъий қўйди. Тиббиёт улар орасида муҳим ўрин тутади. Чунки унинг рақамлаштирилиши — нафақат энг яхши мутахассислар билан

**International Conference on Developments in Education
Hosted from Amsterdam, Netherlands**

<https://econferencezone.org>

April 30th 2022

видеоалоқадан ташкил топган, у шунингдек, онлайн шаклда соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш йўли билан айнан мана шу профессионализмга йўл ҳамdir.

Адабиётлар рўйхати:

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни инновацион фаолият тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2020 йил 24 июль, ЎРҚ-630-сон
2. “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган.
3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИЛЛАР ЯРАТИШ Тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2021 йил 5 май, ПФ-6221-сон.
4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ "РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН - 2030" СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон.